

# НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

## ШАРТНОМА № 29

2022 йил «24» январ

Когон туман.

«Суннатжон Қахрамон» хусусий корхонаси кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади. Ўзининг, устави, асосида иш юритувчи Рахбар Р.Ядгарова номидан, бир томондан ва Когон туман Ободонлаштириш бошкармаси кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилади, ўзининг устави, асосида иш юритувчи Рахбар И.Батиров номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га нефт махсулотларини автобензин ва дизел ёқилғиси бўйича 2020 йилга ажратилган лимитларга асосан, бошқа нефт махсулотлари турлари бўйича эса «Таъминотчи»нинг ресурс имкониятлари ва «Истеъмолчининг талабномасида кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва томонлар келишилган спецификацияга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади. Тузилган спецификация ва график шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

1.2. Тўловлар «Истеъмолчи»нинг 2022 йилги харажатлар сметасида ажратилган маблағлардан ошмаган ҳолда амалга оширилади.

1.3 Шартноманинг умумий суммаси 24996900 (Йигирма тўрт миллион тўққиз юз тўқсон олти минг тўққиз юз сўм 15% НДС суммаси 2874643) сўмни ташкил қилади. Шартноманинг суммаси нефт махсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқилаётган нефт махсулотларининг нархлари, нефт махсулотини ташиш билан боғлиқ темир йул харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Молия вазирлиги қарорига асосан ўзгартирилганда ёки нефт махсулотлари таъминоти корхоналарининг устама нархлари ўзгарганда ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда қайта кўриб чиқилади.

### 2. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1. Нефт махсулотлари «Истеъмолчи»га ажратилган лимитлар доирасида, «Истеъмолчи» тақсимотида кўра ўз транспортида, марказлаштирилган тарзда, «Транзит» билан ёки ёқилғи қуйиш шахобчаларидан тарқатиш ведомостлари асосида белгиланган тартибда (кераклисини ости чизиб қўйилсин) етказиб берилади.

2.2. Нефт махсулотларини ортиш (олиб чиқиб кетиш) томонлар келишган вақтда, ортиш жадвалига асосан амалга оширилади. Махсулотни ортиш вақти томонлар келишувига асосан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. «Истеъмолчи» нефт махсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда нефт махсулотларини ташиб кетишга қўйиладиган барча талабларга риоя қилишни ўз зиммасига олади.

2.4. «Таъминотчи» омборига махсулот қуйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар махсулот қуйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларнинг бўш бориб келиши учун қилинган харажатлар «Истеъмолчи» зиммасига тушади.

2.5. Нефт махсулотлари қуйилган автоцистерналар («Истеъмолчи»нинг автотранспортида олиб кетиш ҳоллари бундан мустасно) «Таъминотчи» ёки унинг бўлимлари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (1540-84 давлат стандарти) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш «Истеъмолчи»нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.6. Нефт махсулотлари «Таъминотчи» транспорти билан ташилганда транспорт ҳужжатларида транспорт хизматининг ҳақи ҳам кўрсатилади.

2.7. «Таъминотчи» махсулот йўқлиги сабабли махсулотни тўла бермаган тақдирда, берилмай қолган махсулот миқдорини (лимити) кейинги даврда етказиб бериши шарт. Агарда махсулоти етказиб берилмаганлиги «Истеъмолчи»нинг зарар кўришига олиб келса, «Таъминотчи» қўрилган зарарни тўлайди.

### 3. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади.

3.2. «Истеъмолчи» олаётган нефт махсулоти учун ҳар ой олдиндан тулов:

- бензин ва газ (Метан ва пропан) учун 100 фоиз;

- дизел ёқилғиси учун 100 фоиз миқдоридан 2022 йил 31 январгача амалга оширилади.

3.3. «Истеъмолчи» томонидан тўловлар ҳар ойда, илова қилинган графикка асосан, харажатлар сметасида ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

3.4. «Таъминотчи» нефт махсулотларини «Истеъмолчи»га махсулотни юклаш пайтидаги улгуржи нархда

сотади, бунда корхона устама нархи ва темир йул харажатлари ҳисобга олинади.

3.5. Нефт маҳсулотларининг нархи, темир йул харажатлари ва корхонанинг устама нархи ўзгарган тақдирда ушбу шартнома ва спецификацияга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

#### **4. ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Нефт маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича «Истеъмочи» «Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор (П-6) ва сифат (П-7) жиҳатидан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида йўриқнома»га ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга асосан қабул қилиб олинади.

#### **5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ**

5.1. Етказиб бериладиган маҳсулот сифати ГОСТ 1510-85 давлат стандартлари ва техник шартларига мос бўлиши ҳамда бу маҳсулот ортиш ва кузатувчи ҳужжатларида қайд этилиши лозим.

#### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1 «Таъминотчи» нефт маҳсулотларини етказиб бериш муддатларини кечиктирганлиги ва ўз муддатида етказиб бермаганлиги учун «Истеъмолчи»га мажбуриятлар бажарилмаган қисми устидан 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, лекин тўланган пенянинг умумий миқдори етказиб берилмаган нефт маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлаш, шартнома мажбуриятларини бузган томонни нефт маҳсулотларини кечиктириб ёки етказиб берилмаганлиги оқибатида юзага келган зарарни тўлашдан озод этмайди.

6.2. Амалдаги қонунчилик ва ҳужалик шартномаси, стандартлар, техник шартлар. Сифат талаби, турлари ва ассортиментлари бўйича талабга тўғри келмаган нефт маҳсулотлари етказиб берилганда «Истеъмолчи» нефт маҳсулотларини қабул қилишдан бош тортиши, «Таъминотчи»дан талаб даражасида бўлмаган нефт маҳсулотлари қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириши, агар маҳсулот қиймати тўланган бўлса, белгиланган тартибда тўланган маблағни қайтиб олиш ҳуқуқига эга. Талаб даражасида бўлмаган нефт маҳсулотлари етказиб берилганлиги учун жарима «Таъминотчи»дан акцептсиз тартибда ундирилади.

6.3. Шартномада белгиланган муддатда олинмаган ва нефт маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош торганлиги учун «Истеъмолчи» нинг харажатлар сметасида мавжуд маблағлар ҳисобидан «Таъминотчи» га олинмаган маҳсулотининг умумий қийматини 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Нефт маҳсулотлари тўлик олинмаган тақдирда «Таъминотчи», жарима ундиришдан ташқари, маҳсулот олинмаганлиги натижасида кўрган зарар қийматини тўлашни талаб қилишга ҳақли. бунда у мазкур маҳсулотнинг борлигига кафолат бериши лозим.

6.4. Етказиб берилган нефт маҳсулоти тўловини 60 кунлик кечиктириб юборганлик учун «Истеъмолчи» ҳисобидан «Таъминотчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган Тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Ушбу шартномада бирон-бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга биноан қўлланилади.

#### **7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «24» январдан 2022 йил «31» декабр гача амалда бўлади.

7.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

#### **8. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ**

8.1. 2014 йил 1-январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси «Бюджет кодекси» нинг 122-модаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ҳазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

#### **9. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ**

9.1. Агар шартнома тузилгандан сўнг иккала томон ўз мажбуриятларини ғайри табиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар сабабли бажармаса ҳеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

#### **10. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

10.1. Ушбу шартномада назарда тутилмаган бошқа барча масалаларни тарафлар Фуқаролик Кодекси ва «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга амал қилган ҳолда тартибга келтирилади.

## 11. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ

- 11.1. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар амалдаги суд қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужжалик судлари томонидан ҳал қилинади.
- 11.2. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартиришлар ва қўшимча ёзма равишда бўлиб, ҳар икки томон имзолангандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.
- 11.3. Тарафлар ўртасида муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.
- 11.4. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача кучда бўлади.

## 12. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Корхона»

“Суннатжон Қаҳрамон” ХК

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

«Истеъмолчи»

Когон туман Ободонлаштириш бошқармас

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: \_ Когон туман Туткунда МФЙ

Манзил: \_ Когон тумани

Ўзбекистон қўчаси  
Тел./факс \_228-28-72

Сухор МФЙ Истиклол қўчаси 10-уй  
Тел./факс 527-34-44

х/в \_ 202080002045588610001  
Банк номи ҚҚБ Когон филиали

ш/х\* 100022860062197065200110002  
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 202805271\_

МФО 00087


ОКОНХ\_ 97600

ОКОНХ  
СТИР \_\_\_\_\_300071008\_\_\_\_\_

Ғазначилик бўлинмаси номи: Когон туман бўйич  
Ғазначилик бўлинмаси  
Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шаҳар ХКК

Раҳбар  Р.Ядгарова  
(Ф.И.Ш)

МФО: 00014  
Ғазначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919  
Раҳбар  И.Батиоров  
(лавозим) (Ф.И.Ш)

М.Ў.

М.Ў.

Нефт маҳсулоти тури	ЎзДС ва ТХ	1 литр учун нархи (сўмда)	Миқдори (Тн)литр	1чорак	2чорак	3чорак	4чорак
Дизел ёқилғиси		9700	2577.0				2577.0
жами			2577.0				2577.0

Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):  
Гувоҳнома (Диплом) № ва берилган санаси:

\_\_\_\_\_



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI  
BUXORO VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI  
KOGON TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI**

200700, Kogon shahar, Amir Temur ko'chasi, 3-uy,  
tel.: (998 91 447-40-70) , el.pochta: kogontyurmarkaz@adliya.uz

**2022-yil 24-yanvar**

**Kogon tuman obodonlashtirish boshqarmasi**

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

1.Loyihaning turi: Shartnoma.

2.Loyihaning nomi.

Kogon tuman obodonlashtirish boshqarmasi va “Суннатжон Қахрамон” xususiy korxonasi o'rtasida tuzilgan 29-sonli neft etkazib berish to'g'risida shartnoma loyihasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Kogon tuman obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va 24-yanvar 2022-yilda markazga kiritilgan.

Loyiha “Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasining 670-I-sonli qonuni va boshqa qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Kogon tuman yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi boshlig'i**



**M.H.Kamolov**